

3/2024,  
may-  
iyun  
(№ 00071)



## ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР АУДИТИДА ТАҲЛИЛИЙ АМАЛЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

**Алимханова Нигора Алимхановна**

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси

*E-mail:* [muxayyo1980@gmail.com](mailto:muxayyo1980@gmail.com)

*ORCID:* <https://orcid.org/0000-0002-8857-6535>

*DOI:* [https://doi.org/10.55439/EIT/vol12\\_iss3/i4](https://doi.org/10.55439/EIT/vol12_iss3/i4)

### Аннотация

Мазкур мақолада товар-моддий захиралар аудитини самарали ташкил қилиш мақсадида бевосита таҳлилий амалларни қўллаш тартиби, таҳлилий амалларни қўллашда фойдаланиладиган коэффициентлар тасинифи бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Шунингдек, товар-моддий захиралар аудитида инвентаризацияни ташкил қилиш ва ўтказишда қўлланиладиган аудит амаллари ҳамда уларни қўллаш кетма-кетлиги ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** товар-моддий захиралар, диверсификация, таҳлилий амаллар, оғишишлар таҳлили, коэффициентлар бўйича таҳлил, ялпи фойда маржаси, рентабеллик коэффициентлари, ликвидлик коэффициентлари, молиявий дастак коэффициентлари, инвентаризация, аудит амаллари.

### ПРИМЕНЕНИЕ АНАЛИТИЧЕСКИХ ПРОЦЕДУР ПРИ АУДИТЕ ТОВАРО-МАТЕРИАЛЬНЫХ РЕЗЕРВОВ

**Алимханова Нигора Алимхановна**

Самостоятельный соискатель, Ташкентский государственный экономический университет.

### Аннотация

В данной статье для эффективной организации инвентаризационного аудита разработаны рекомендации по порядку применения прямых аналитических методов, классификация коэффициентов, используемых при применении аналитических методов. Также поясняются аудиторские процедуры, используемые при организации и передаче товарно-материальных запасов при инвентаризационной проверке, и последовательность их применения.

**Ключевые слова:** Запасы, диверсификация, аналитические операции, вариационный анализ, коэффициентный анализ, валовая прибыль, коэффициенты рентабельности, коэффициенты ликвидности, коэффициенты финансового рычага, запасы, аудиторские операции.

### APPLICATION OF ANALYTICAL PROCEDURES IN THE AUDIT OF PRODUCTS AND MATERIAL RESERVES

**Alimkhanova Nigora Alimkhanovna**

**29** Independent applicant, Tashkent State University of Economics.

## **Abstract**

In this article, for the effective organization of an inventory audit, recommendations have been developed on the order of application of direct analytical methods, classification of coefficients used when applying analytical methods. It also explains the audit procedures used in the organization and transfer of inventories during an inventory audit, and the sequence of their application.

**Keywords:** Inventories, diversification, analytical operations, variation analysis, ratio analysis, gross profit, profitability ratios, liquidity ratios, financial leverage ratios, inventories, audit operations.

## **Кириш**

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хўжалик фаолияти жараёнининг якуний босқичидан олинадиган тайёр маҳсулотларнинг таннархидаги сарфланган хом ашё ва материалларнинг улушкини имкон қадар сифатига таъсир қилмасдан оптималлаштириш мұхим аҳамият касб этади. Чунки, талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришда сарфланган материалларнинг қиймати тайёр маҳсулотларнинг харидоргирлик даражасини белгилайди. Мазкур хўжалик операциялари ҳамда талабларни инобатга олган ҳолда, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш ҷоғида, сарфланаётган моддий ресурслардан унумли фойдаланиш, иккиламчи ресурсларни кенг жалб қилиш мақсадга мувофиқ. Товар-моддий захиралар билан боғлиқ операцияларнинг тўғри расмийлаштирилганлигини ҳамда молиявий ҳисботларда ҳаққоний акс эттирилганлигини аудитдан ўтказишида субъектга тегишли бўлган товар-моддий захиралари шу жумладан, йўлдаги ва қайта ишлашга берилган, ишланадиган, қайта ишланадиган, ишлаб чиқариш ва бошқа хўжалик мақсадлари учун ишлатиладиган меҳнат буюмлари, хом-ашё ва материаллар, айланма маблағларнинг таркибига киритилган меҳнат буюмларининг таркиби, миқдори, ҳаракати, уларни тайёрлаш, сотиб олиш, қайта баҳолаш жараёнлари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштиришнинг тартиб ва қоидаларини ҳам биргалиқда текшириш аҳамиятидир.

Бугунги кунда ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва мамлакатимиздаги хомашё ва ресурсларга бой мавжуд манбалардан оқилона фойдаланиш асосида юқори қўшимча қийматга эга бўлган юксак технологик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлайдиган истиқболли иқтисодиёт тармоқларини кенгайтириш билан бирга, мазкур бухгалтерия ҳисобининг обьектини ҳисобда тўғри ва шаффоф юритиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш долзарб ҳисобланади.

## **Адабиётлар шарҳи**

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикасида Товар-моддий захираларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ҳамда уларни баҳолаш тартиби Ўзбекистон Республикасида «Товар-моддий захиралар» номли 4-сон бухгалтерия ҳисоби миллий стандартига асосан олиб борилади. Мазкур ҳисоб стандартига 2-сон «Ишлаб чиқариш захиралари» номли Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти ҳамда товар-моддий захиралар ҳисобига доир халқаро ҳисоб ҳужжатлари илмий-амалий асос бўлиб ҳисобланади.

С.Чандрен ва бир қатор иқтисодчи олимларнинг таъкидлашича «Товар-моддий захиралар харажат моддаларининг мұхим қисми ҳисобланиб, молиявий натижаларга сезиларли таъсир этади. Шу боисдан бухгалтерия балансида захиралар хусусида

ишончли маълумотлар олиш учун аудитнинг илғор усулларини қўллаш мақсадга мувофиқдир»[1].

Иқтисодчи олим К.Иовунинг таъкидлашича, «товар-моддий захиралар бухгалтерия балансида катта салмоққа эга бўлади. Шу боис товар-моддий захиралар аудити мураккаб жараён ҳисобланади ҳамда айнан товар-моддий захиралар билан боғлиқ операциялар фирибгарликка мойил бўлгани учун аудиторлик текширувларида товар-моддий захираларнинг жисмоний ҳолатини аниқлашга қаратиш лозим»[2].

Э.Грос ҳамда бир қатор иқтисодчи олимлар фикрича, «товар-моддий захиралар аудитида кўпгина усуллар қўлланилади. Бироқ товар-моддий захиралар аудитида энг самарали усул инвентаризация бўлиб, мазкур жараён бевосита аудиторнинг иштирокида ўтказилиши лозим»[3].

Х.Ви, Х.Ванг ва Ю.Янг каби олимлар товар-моддий захиралар жорий активларнинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади ва аудиторлик текширувларининг асосий обьекти сифатида аудиторнинг хизмат ҳақини белгилашда асосий омил ҳисобланади деб таъкидлаган [4].

Маҳаллий олимларимиздан бири Б.Ў.Ҳамдамовнинг фикрича «Моддий жавобгар шахслар ўзгарганда (шунингдек улар касал бўлган, таътилга чиқсан даврда) товар-моддий захираларнинг бошқа шахс жавобгарлигига ўз вақтида ва тўғри белгиланганлиги ҳамда бунда аниқланган тафовутлар бухгалтерия ҳисоби счёtlарида акс эттирилганлиги корхона бухгалтериясида текширилиши зарур. Бу эса кейинчалик товар-моддий захиралар камомади аниқланганда, моддий жавобгар шахслар ўзларини оқлаш учун шу ҳолатни асосий сабаб қилиб кўрсатишларига асос бўлади»[5].

«Товар-моддий захиралар сақланишини аудит қилинишининг асосий усули, энг аввало, қайта рўйхатдан ўтказиш ҳисобланади. Кўпчилик камомад ва ўғирликлар қайта рўйхатдан ўтказиш орқали очилади. Ялпи рўйхатдан ўтказиш энг кўп амалий самара беради. Одатда, ҳисобнинг ёмон аҳволда эканлиги сабабли бойликлар ўғирланганлиги ёки камомади; моддий жавобгар шахслар ўзгарганида бойликларни бериш далолатнома билан расмийлаштирилмаганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда ўтказилган текширишлар чоғида шундай рўйхат ўтказилади» [6].

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан бири М.Ҳайитбоевнинг фикрича, «товар-моддий захиралар аудитининг мақсади хўжалик юритувчи субъект тасарруфида бўлган товар-моддий захираларнинг ҳақиқий ҳолатига баҳо бериш ҳамда молиявий ҳисботдан фойдаланувчилар учун ҳисобнинг мазкур обьекти бўйича ҳаққоний ахборотни шакллантириш ҳисобланади» [7].

Юқорида келтириб ўтилган маҳаллий ҳамда хорижий иқтисодчи олимлар томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг товар-моддий захираларини аудиторлик текширувидан ўтказишда таҳлилий амалларни қўллаш масалаларига тўхталиб ўтилмаган. Шу сабабли, хўжалик юритувчи субъектларда товар-моддий захиралар аудитини ўтказишда таҳлилий амалларни қўллаш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқотда иқтисодий таҳлил, мантиқийлик ва гуруҳлаш усулларидан фойдаланилди. 2018-2022 йилларда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг товар-моддий захираларини ҳисобга олишни халқаро стандартлар

асосида такомиллаштириш самарадорлик, аниқлик ва молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари талабларига мувофиқлиги таҳлил қилинди.

### **Таҳлил ва натижалар**

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларда товар-моддий захиралар ҳисобининг юритилиши билан боғлиқ муюмаларнинг ҳаққоний ҳамда тўғрилигини текширишда учрайдиган турли мұхим бузиб кўрсатиш ҳолатларининг олдини олиш ва аниқлашга қаратилган аудит амалларини қўллаш мұхим аҳамият касб этади. Шу сабабли, молиявий ҳисбот аудитини ташкил қилишда молиявий ҳисботларда товар-моддий захиралар миқдорларини шаффоф ёритиб берилганини текширишда аудит амалларининг энг кўп қўлланиладиган усусларидан бири таҳлилий амалларни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Таҳлилий амаллар хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисботларида мавжуд товар-моддий захираларни текширишда мұхим роль ўйнайди. Айнан товар-моддий захиралар аудитида таҳлилий амалларни қўллаш орқали аудиторлар молиявий ҳисботлардаги турли номувофиқликларни ҳамда мұхим бузиб кўрсатиш риски даражаси юқори бўлган моддаларни ўз вақтида аниқлашлари мумкин бўлади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисботларини аудиторлик текширувидан ўтказиша қўлланиладиган таҳлилий амаллар молиявий ва номолиявий маълумотлар ўртасидаги ишончли мұносабатларни таҳлил қилиш орқали молиявий ҳисботлардаги турли маълумотларга баҳолашни ўз ичига олади. Товар-моддий захиралар аудитини ўтказиш пайтида таҳлилий амалларни қўллаш жараёнлари қўйидаги жадвалда батафсил ёритиб берилган (1-жадвал).

### **1-жадвал**

#### **Товар-моддий захиралар аудитида таҳлилий амалларни қўллаш тартиби<sup>1</sup>**

<b>№</b>	<b>Таҳлилий амалларнинг номи</b>	<b>Таҳлилий амалларнинг тавсифи</b>	<b>Мисол</b>
1.	Тренд таҳлили	Тренд таҳлили мұхим ўзгаришлар ёки тенденцияларни аниқлаш учун турли даврлардаги товар-моддий захиралар бўйича маълумотларни тақослашни ўз ичига олади. Товар-моддий захиралар миқдори, харидлар, сотиш ва сотилган маҳсулот таннархидаги ўзгаришларни ўрганиш орқали аудиторлар товар-моддий захираларни нотўғри бошқариш, хатолар ёки фирибгарлик каби мұхим бузиб кўрсатиш ҳолатларини кўрсатиши мумкин.	Агар товар-моддий захиралар миқдори олдинги даврларга нисбатан сезиларли даражада ошган бўлса, сотувлар мос равишида ўсмаган бўлса, бу ҳаддан ташқари тўлдириш ёки мумкин бўлган эскириш муаммоларини кўрсатиши мумкин.
2.	Коэффициентлар таҳлили	Коэффициентлар таҳлили товар-моддий захираларни бошқариш самарадорлигини баҳолаш учун турли хил молиявий кўрсаткичларни ҳисблаш ва баҳолашни ўз ичига	Мазкур коэффициентларни аниқлаш ҳамда таҳлил қилиш натижасида молиявий ҳисботлардаги турли оғишишларни аниқлашда

№	Таҳлилий амалларнинг номи	Таҳлилий амалларнинг тавсифи	Мисол
		олади. Таҳлилий амалларда асосий қўлланиладиган коэффициентларга рентабеллик коэффициентлари, ликвидлик коэффициентлари ҳамда молиявий ричаг коэффициентлари киради.	қўлланилади.
3.	Мантиқий тестлаш орқали таҳлил қилиш	Мантиқий тестлаш орқали таҳлил қилиш товар-моддий захиралар қолдиқларини олдинги даврлар маълумотлари, таҳлил қилинаётган саноат кўрсаткичлари ёки ички прогнозлар асосида кутилган қийматлар билан солиштиришни ўз ичига олади. Мазкур тестлаш аудиторларга молиявий ҳисботлардаги товар-моддий захиралар суммаларининг асосли ва бошқа молиявий маълумотларга мос келишини аниқлаш имконини беради.	Аудиторлар жорий даврдаги товар-моддий захиралар миқдорини режадаги кўрсаткичлар ёки мазкур таҳлил қилинаётган саноатнинг ўртacha кўрсаткичлари билан солиштиришлари мумкин. Мұхим бузиб кўрсатиш ҳолатлари қўшимча таҳлилий амалларни бажаришни талаб қиласди.
4.	Регрессия таҳлил	Товар-моддий захиралар миқдори ва сотиш ҳажми, ишлаб чиқариш даражаси ёки мавсумийлик омиллари каби бошқа молиявий маълумотлар ўртасидаги муносабатларни аниқлаш учун статистик усусларни ўз ичига олган янада мураккаб таҳлилий амал ҳисобланади. Мазкур муносабатларни ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш орқали аудиторлар кутилаётган товар-моддий захиралар миқдорини башорат қилишлари ва уларни ҳақиқий миқдорлар билан солиштиришлари мумкин.	Регрессия таҳлилидан фойдаланган ҳолда, аудиторлар олдинги даврдаги савдо маълумотлари ва жорий бозор шароитлари асосида товар-моддий захиралар миқдорини таҳмин қилишлари мумкин. Прогноз қилинган қийматлардан ҳар қандай сезиларли оғишилар қўшимча текширишниталаб қиласди.
5.	Бенчмаркинг	Хўжалик юритувчи субъектларнинг товар-моддий кўрсаткичларини бир хил таҳлил қилинаётган саноатдаги ўхшаш хўжалик юритувчи субъектларнинг кўрсаткичлари билан солиштиришни ўз ичига олади. Мазкур таққослаш товар-моддий захираларни бошқариш амалиётини яхшилаш учун четлаб ўтилганларни ва мұхим бузиб кўрсатиш ҳолатларини аниқлашга ёрдам беради.	Агар хўжалик юритувчи субъектнинг товар-моддий захиралари айланмаси коеффициенти таҳлил қилинаётган саноатнинг ўртacha кўрсаткичидан сезиларли даражада паст бўлса, бу товар-моддий захираларни бошқаришдаги самарасизликни кўрсатиши мумкин ва мазкур муаммони ҳал қилиш учун қўшимча таҳлилий амалларни қўллаш лозим.
6.	Оғишишлар таҳлили	Оғишишларни таҳлил қилиш товар-моддий захиралар билан боғлиқ ҳақиқий кўрсаткичларни (масалан, ТМЗ	Ҳақиқий сотиб олиш харажатлари сметада белгиланган миқдордан

№	Таҳлилий амалларнинг номи	Таҳлилий амалларнинг тавсифи	Мисол
		қолдиқлари, сотиб олиш харажатлари ва сотиш) бюджет ёки ўртача кўрсаткичлар билан таққослашни ўз ичига олади. Оғишишлар уларнинг сабабларини аниқлаш ва молиявий ҳисоботга таъсирини баҳолаш учун таҳлил қилинади.	сезиларли даражада юқори бўлса, аудиторлар нархларнинг кутилмаган ўсиши, сотиб олиш хатолари ёки нотўғри маълумотлар мавжудлигини аниқлаш учун текширадилар.
7.	Олдинги даврлар билан жорий даврлар маълумотларини таҳлил қилиш	Жорий даврдаги товар-моддий захиралар маълумотларини олдинги даврлар маълумотлари билан таққослаш одатий бўлмаган графиклар ёки жадвалларни аниқлашга ёрдам беради. Мазкур таққослаш ҳозирги мавжуд товар-моддий захиралар миқдорининг умумий ҳолатини тушуниш учун муҳим аҳамиятга эга.	Аудиторлар баҳолаш билан боғлиқ муаммоларни кўрсатиши мумкин бўлган ҳар қандай ноодатий ўсишни аниқлаш учун жорий даврдаги товар-моддий захиралар ҳисобини олдинги даврлар билан солиштиришлари мумкин.

Товар-моддий захираларни аудитдан ўтказиш чоғида таҳлилий амалларни қўллаш аудиторлик текширувининг самарадорлигини ошириш учун муҳим аҳамиятга эга. Ушбу аудит амаллари аудиторларга мавжуд муҳим бузиб кўрсатиш рискларини, номувофиқликларни ва бузиб кўрсатишларни аниқлашга ёрдам беради ва шу билан хўжалик юритувчи субъектнинг товар-моддий захираларини бошқариш амалиётини янада тўлиқроқ тушуниш имконини беради. Тренд таҳлили, коэффициентлар таҳлили, мантиқий тестлаш орқали таҳлил қилиш, регрессия таҳлили, бенчмаркинг, оғишишлар таҳлили ва олдинги даврлар билан жорий даврлар маълумотларини таҳлил қилиш каби таҳлилий амаллардан фойдаланган ҳолда аудиторлар товар-моддий захирарлар қолдиқлари молиявий ҳисоботларда тўғри, тўлик ва ҳаққоний тақдим этилишини таъминлашга хизмат қиласи.

Хўжалик юритувчи субъектларда товар-моддий захиралар аудитини ўтказишдан олдин мазкур молиявий ҳисобот моддасининг ички назорат тизимини ўрганиш ҳамда баҳолаш мұхимдир. Ички назорат тизимини ўрганиш ҳамда баҳолашнинг асосий мақсади мазкур молиявий ҳисобот моддасида мавжуд муҳим бузиб кўрсатиш риски даражасини баҳолашдир. Муҳим бузиб кўрсатиш риски даражасини баҳолашда эса таҳлилий амалларни бевосита қўллаш аҳамиятлидир. Шунингдек, таҳлилий амаллардан фойдаланиш хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботидаги аудиторлар хабардор бўлмаган томонларини кўрсатиши мумкин ва аудит амалининг моҳияти, давомийлиги ва ҳажмини аниқлаш учун муҳим бузиб кўрсатишлар рискини баҳолашга ёрдам беради. Таҳлилий амалларда қўлланиладиган коеффициентлар тасниф жиҳатидан уч турга бўлинади (1-расм).




**1-расм. Таҳлилий амалларни қўллашда фойдаланиладиган коэффициентлар таснифи<sup>2</sup>**

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларини аудиторлик текширувидан ўтказиашда, хусусан, товар-моддий захиралар ҳисобини текшириш чоғида юқорида келтирилган коэффициентлар асосида таҳлилий амалларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Ушбу коэффициентларни тўғри ва аниқ ҳисоблаш орқали молиявий ҳисоботларда мавжуд муҳим бузиб кўрсатиш риски даражасини оқилона аниқлаш имконияти яратилади.

Молиявий ҳисоботларда товар-моддий захиралар тўғрисидаги маълумотларни ҳаққоний акс эттирилганлигини аудиторлар текширувидан ўтказишининг аҳамиятини ҳамда ролини ошириш мақсадида аудиторлик текшируvida товар-моддий захиралар аудитини ўтказиш босқичлари ҳамда уларнинг тавсифи бўйича қўйидагича кетма-кетлика амалга ошириш мақсадга мувофиқ (2-расм).

Товар-моддий захираларни юқорида келтирилган кетма-кетлика текшириш орқали аудиторлик текшируvida товар-моддий захиралар тўғрисида ҳаққоний хулосаларни шакллантиришга эришилади. Фикримизча, товар-моддий захирларни аудиторлик текширувидан ўтказиашда алоҳида аудиторнинг ёндашувини белгилаб олиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, аудиторлар учун товар-моддий захираларнинг миқдори ва ҳолатини тасдиқлашнинг муҳим воситаси мазкур хўжалик юритувчи субъектнинг товар-моддий захираларини инвентаризация қилиш вақтида уларнинг мавжуд бўлишидир. Инвентаризация тартиб-қоидаларини тўғри ва аниқ қўллаш муҳим ҳисобланади, чунки улар товар-моддий захиралар ҳамда тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг миқдори ва ҳолати тўғрисида бошқа вақтда олиш мумкин бўлмаган далилларни тақдим этади.



2-расм. Товар-моддий захиралар ҳисобини текшириш кетма-кетлиги<sup>3</sup>


Товар-моддий захираларни аудиторлар иштирокида инвентаризация қилиш чоғида инвентаризация тартиб-қоидаларини 19-сон бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига асосан қўйидаги расмда келтирилганидек қўллашлари мақсадга мувофиқ (3-расм).

Товар-моддий захиралар аудитида инвентаризация ўтказиш жумладан, мазкур инвентаризация жараёнида аудиторнинг иштирок этиши аудиторларнинг рискни баҳолашига, режалаштирилган ёндашувга ва амалга оширилган маҳсус аудит амалларига қараб моҳиятига кўра текшириш каби назорат тестлаш амали ҳисобланади.

### Хулоса

Мазкур мақолани тайёрлаш давомида қўйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Товар-моддий захиралар аудити молиявий ҳисбот аудитининг мұхим қисмларидан бири эканлигини инобатга олган ҳолда айтишимиз мүмкинки, мазкур молиявий ҳисбот объектини аудиторлик текширувидан ўтказишда таҳлилий амалларни қўллаш лозимdir.



**3-расм. Товар-моддий захираларни инвентаризация қилишда бажариладиган аудит амаллари<sup>4</sup>**

Шу сабабли, товар-моддий захиралар аудитида таҳлилий амалларни қўллаш тартиби ишлаб чиқилди. Мазкур тартиб-коидаларнинг тўғри ва тўлиқ бажарилиши натижасида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботларида мавжуд муҳим бузиб кўрсатиш риски даражасиниadolatli ва шаффоф аниқланишига имкон яратади.

2. Товар-моддий захиралар аудитида коэффициентлар бўйича таҳлилий амалларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун, молиявий ҳисоботнинг мазкур обьектини текширишда фойдаланиладиган коэффициентларнинг таснифи ишлаб чиқилди. Мазкур таснифга асосан таҳлилий амалларни бевосита товар-моддий захиралар аудитида қўллаш орқали аудит риски даражасини аниқлаш ҳамда мақбул даражага камайтиришга хизмат қиласди.

3. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларида товар-моддий захиралар миқдорининг тўғрилиги ҳамда бухгалтерия ҳисобининг тўғри юритилаётганлигини аудиторлик текширувидан ўтказиш кетма-кетлигини қўллаш орқали товар-моддий захиралар аудитининг самараадорлигини оширишга ҳамда товар-моддий захиралар аудити натижаларини умумлаштириш ва ҳаққоний хulosаларни шакллантиришда дастак бўлиб хизмат қиласди. Мазкур кетма-кетликни

бажарыш чоғида қўлланиладиган аудит амалларини қўллашда аудиторнинг профессионал мулоҳазаси ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтиш лозимдир.

4. Маълумки, товар-моддий захиралар ҳисобида инвентаризация натижаларини тўғри акс эттирилганлиги муҳим ҳисобланади. Шу сабабли, аудиторлик текшируvida товар-моддий захиралар инвентаризация қилишда аудиторларнинг иштирокини таъминлаш ҳамда мазкур инвентаризацияни ташкил қилиш ва ўтказишда бажариладиган аудит амалларидан фойдаланиш орқали инвентаризацияни оқилона ва самарали ўтказиш таъминланади. Шунингдек, мазкур аудит амалларини қўллаш орқали товар-моддий захиралар миқдори тўғрисида ишончли аудиторлик далилларини тўплашга ҳамда холисона мустақил аудиторлик хулосасини шакллантиришга сезиларли таъсир кўрсатади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Sitraselvi Chandren, Santhirasegaran Nadarajan, Zaimah Binti Abdullah Inventory Physical Count Process: A Best Practice Discourse. // International Journal of Supply Chain Management. Vol. 4, No. 3, September 2015
2. Cristina Iovu. Aspects concerning the internal audit of inventories. // Audit financlar, XV, Nr. 2(146)/2017, 276-283 ISSN: 1583-5812; ISSN on-line: 1844-8801
3. Andrew Gross, Jamie Hoelscher, Brad J. Reed, Gregory E. Sierra. The new nuts and bolts of auditing: Technological innovation in inventorying inventory. // Journal of Accounting Education. Volume 52, September 2020, 100679
4. Xi Wu, Xueqin Wang, Yulong Yang. The puzzling association between inventory and auditor pricing in China. // China Journal of Accounting Research. Volume 11, Issue 4, December 2018, Pages 351-366.
5. Б.Ў.Ҳамдамов. «Аудит иқтисоди» - Т.; «Тошкент Молия институти»-2005.
6. Санаев Н., Нарзиев Р. «Аудит», Т.; «Шарқ»-2001.
7. М.Ҳайитбоев. Дон маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарда товар-моддий захиралар ҳисоби ва аудити: назария, методология ва амалиёт. Монография. –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2022. 140 б.